

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.12.2018. S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

НАРБАЕВА ТАНЗИЛА КАМАЛОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ**

**22.00.02– Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар
ва турмуш тарзи**

**Социология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

УДК:316.346.2-055.2:396.2/9(575.1)

**Социология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
социологических наук(DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doktor of
Sociological Sciences (DSc)**

Нарбаева Танзила Камаловна

Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш
тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион модели

Нарбаева Танзила Камаловна

Инновационная модель повышения эффективности системы
социальной защиты женщин в Узбекистане

Narbaeva Tanzila

Innovative model of increasing the efficiency of the social
protection system of women in Uzbekistan

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications

**Социология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси
комиссиясида В2018.3. DSc/Sots 11 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (fs-ik.uz) ва “Ziyonet” ахборот-таълим портали (www. ziyonet.uz) да жойлаштирилган

Расмий оппонентлар:

Саидов Акмал Холматович

юридик фанлари доктори, профессор

Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич

иқтисод фанлари доктори, профессор

Матибаев Госполат Балтабаевич

социология фанлари доктори

Ётақчи ташкилот:

Фарғона Давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.2019.S.23.02.рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» кuni _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47, факс: 0(371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, 408-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47, факс: 0(371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 11-қават, _____ хона)

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кuni тарқатилди.
(2020йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Б.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
социология фанлари доктори,
профессор

А.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
социология фанлари номзоди

Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, социология
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг барча мамлакатларида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи долзарб глобал муаммога айланганлиги сабабли мазкур муаммони социодискурсив ва эмпирик тадқиқ этиш кучаймоқда. Бу бир томондан, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ўрни ва ролининг ортишига бўлган жамият эҳтиёжининг кучайганлиги бўлса, иккинчи томондан, барқарор таракқий этиш жараёнида хотин-қизларнинг мавқеи тобора юксалаётганлиги билан изоҳланади.

Хорижий давлатларнинг хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги тажрибаси, хусусан, БМТнинг 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги, 1997 йил 30 августда Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги конвенцияларининг қабул қилиниши¹ бир томондан, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашда, иккинчи томондан, уларни ўз манфаатларини англаш учун мақсадли фаоллаштиришда муҳим қадамлар бўлди. Аммо, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида БМТ ҳужжатлари етарли эмаслиги, бу борада миллий маконда ва глобал миқёсларда концептуал ёндошувнинг шаклланмаганлиги, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ягона тизими ва стандартларининг яратилмаганлиги, тизим самарадорлигини ошириш борасида янги социологик технологияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, мутахассисларнинг етарли эмаслиги, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан назорат қилиш механизмининг ишлаб чиқилмаганлиги каби муаммоларнинг мавжудлиги ушбу мавзуда махсус илмий тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди.

Янгиланаётган Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, манфаатларини таъминлаш, қобилият, истеъдод ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ватанимизда аёлни улуғлаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилган муҳим ҳужжатлар ва улар асосида олиб борилаётган ислоҳотларни хотин-қизларни самарали ижтимоий ҳимоя қилиш ва фаоллаштиришнинг инновацион модели сифатида талқин этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.2. “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш” бандида белгилаб берилган устувор вазифалар, хусусан, хотин-

¹ Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 87-1-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияга 1997 йил 30 августда Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги конвенциялар қўшилиши ҳақида»ги қарорига асосан қўшилган. / <https://www.lex.uz/ru/docs/2685528>.

қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлаш, давлат бошқарувидаги иштирокини ошириш, оғир аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга моддий, психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни уй-жой ва иш билан таъминлаш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, оилада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш² борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида хотин-қизларни ижтимоий-ҳимоя қилиш масаласи янги босқичга кўтарилди. Янги Ўзбекистонни яратиш йўлида кенг қўламли инновацион фаолият ва бунёдкорлик, яратувчанлик ҳаракатининг асосчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарамиз”.³

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги “Социологик тадқиқотларни ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5667-сон, 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармонлари, 2017 йил 22 декабрь, 2018 йил 28 декабрь ва 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномалари, 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4185-сон Қарори, 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 561-сон, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 562-сон Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 285-сон Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони.-Тошкент, Адолат, 2018. Б.22-23.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. / <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» илмий тадқиқотлар дастурининг устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи. Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришнинг инновацион хусусиятлари, унинг назарий методологик асослари, уларнинг асосий тушунчалари, тамойиллари ва амалга ошириш механизмларини аниқлаш, ушбу масалага оид дунё тажрибасини умумлаштиришга оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда. Хусусан, Western Michigan University (АҚШ), Golden Gate University (АҚШ), University of Maryland (АҚШ), University of Nottingham (Буюк Британия), University of Mataram (Индонезия) Women in German Society (Германия), Office of Global Womens Issues (АҚШ), French-Australian Business Womens Association (Франция), Asia Research institute, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ), Россия ФА Социология институти ва бошқаларни қайд этиш мумкин.

АҚШнинг Калифорния штати Голден Гейт университетида Халқаро гуманитар ҳуқуқ доирасида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатадиган ижтимоий, сиёсий ва маданий омиллар, АҚШнинг Гарбий Мичиган университети Олий таълим тизимидаги аёлларнинг раҳбарлик амалиётига феминистик қарашларнинг таъсири, АҚШнинг Мариланд университетида аёллар зўравонлигига қарши қонун моддаларига таяниш асосида курашиш сиёсати, Англиянинг Ноттингем университетида “миграция” ва “оилавий зўравонлик” тушунчалари кесишуви мисолида аёлларнинг ижтимоий аҳволини кузатув асосида тадқиқ этиш, Индонезиянинг Матарам университетида халқаро конвенцияларда аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш асослари масалаларида олиб борилаётган изланишлар салмоқли илмий натижалар бермоқда.

Жаҳонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар, хусусан, хотин-қизларни оғир ижтимоий аҳволдан чиқариш, уларнинг бандлигини таъминлаш, мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш, хотин қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, оилавий-маиший зўравонликни олдини олиш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш масалаларини социологик тадқиқ этиш устувор вазифалардан бири бўлиб, дунё илмий ҳамжамияти томонидан ўрганилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи хорижий тадқиқотларда кенг кўламда тадқиқ қилинган. Жумладан, ушбу масалани конструктив асосларда тадқиқ

этиш нуқтаи-назаридан тадқиқ этган олимлар қаторига Р.Коннелла, П.Бурдые, Дж.Скотт, В.Спайк Петерсон, О.А.Ворониаларни киритиш мумкин. Хотин-қизлар масаласи, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақидаги ҳозирги замон ўзгаришлари нуқтаи назаридан илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган Н.Нажиб, Э.Хелен, А.Китчен, М.Ковалский, Д.Руц, Л.Хусний каби жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан халқаро гуманитар тамойиллар доирасида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатадиган ижтимоий, сиёсий ва маданий омиллар, миграциядаги аёлларга нисбатан ишлатиладиган маиший зўравонлик ҳолатлари ва уларнинг ҳуқуқий ечимлари, зўравонликдан жабр кўрган аёлларнинг руҳий ва психологик тушкунликдан чиқаришга доир тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, аёллар ва оиладаги зўравонлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини баҳолаш бўйича концептуал ғоялар таҳлил этилган.⁴

Мамлакатимизда ҳам тараққиётнинг янги босқичида хотин-қизларга муносабат ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришлар хотин-қизлар муаммоларига бағишланган илмий-тадқиқот ишларида ҳам ўз аксини топмоқда. Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллиги ва мавқеини юксалтириш билан боғлиқ, шунингдек, улар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий, социологик жиҳатлари Р.А.Убайдуллаева, С.Т.Иномова, М.Б.Бекмуродов, О.Мусурмонова, М.Тўхтажоева, М.Х.Холматова, М.Ғаниева, М.Нурматова, Э.Султонова, Г.Маткаримова, Ш.Содиқова, Н.Латипова, Н.Нишонова, Х.Насруллаева, Н.Жўраева, С.Сафаева, Н.Аннаева, Г.Ахмедова каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган⁵.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, ушбу тадқиқотларда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи у ёки бу илмий мақсадлар доирасида тадқиқ этилган бўлиб, социология фани доирасида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш яхлит тизим сифатида, янги давр нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ривожининг янги босқичида инновация контекстида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишни яхлит тизим сифатида тадқиқ қилиш зарурати юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларидаги⁶ хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини барқарор ва изчил ривожлантиришга доир концептуал ғоялари, олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ушбу мавзу доирасида олиб борилган илмий изланишлар асосида берилган илмий хулосалар мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг инновацион модели концепциясини ишлаб чиқишда назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот мавзусининг тадқиқот ишлари бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

⁴ Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁵ Мазкур тадқиқотчиларнинг диссертациялари ва асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий тадқиқотлар дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантиришда хотин-қизлар ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда самарали ижтимоий ҳимоя қилишнинг социологик моделини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари. Глобаллашув, интеграция, ахборотлашув ва демократик янгиланиш жараёнида мамлакатимизда модернизация самарадорлигини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион моделига доир механизмларини тадқиқ этиш;

- Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос инновацион хусусиятларини назарий таҳлил этиш;

- хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишга инновацион ёндашувнинг асосий устувор йўналишларини аниқлаш;

-Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг зарурий шарти эканлигини асослаб бериш;

- хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мамлакатда гендер тенгликни таъминлашнинг муҳим омили эканлигини тадқиқ қилиш;

- хотин-қизлар бандлигини таъминлашда гендер тенглик қоидаларига риоя қилишнинг мамлакатнинг иқтисодий ривожланишидаги ролини очиқ бериш;

- тазйиқ ва зўравонликнинг мазмун-моҳияти ва турларини ўрганиш, оилада зўравонликни олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

- оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий омилларини социологик тадқиқ этиш;

- хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тазйиқ ва зўравонликни олдини олишнинг зарурий шарти эканлигини илмий асослаш;

-Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, таълим ва тарбия уйғунлиги - хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий омиллари эканлигини илмий асослаш;

- хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишда оила институтини ва оилавий кадрятларни мустаҳкамлашнинг ўрнини ёритиб бериш;

- хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг муаммолари, уларни бартараф этиш йўллари ва истиқболи механизмларини очиқ бериш;

- мавзу юзасидан хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион моделини яратишга доир хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг инновацион хусусиятлари, ушбу тизим самарадорлигини

ошириш инновацион моделининг асосий омиллари, воситалари, механизмларидан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда объективлик, тизимлилик, тузилмавий-функционал ёндашув, меъерий ҳужжатлар ва ижтимоий дастурларни тарихий, қиёсий таҳлил қилиш, сўровнома ва интервью методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- “Ижтимоий ҳимоя”, “Хотин-қизларни ижтимоий фаоллаштириш”, “Ижтимоий ҳимоя тизимида имманент ёндашув”, “Ижтимоий ҳимоя субъектларининг ижтимоий-интеллектуал капитали”, “Хотин-қизларга жамиятда ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар драйвери сифатида ёндашув” тушунчаларининг ижтимоий ҳаракатга йўналтирувчи социологик таърифлари ишлаб чиқилган;

- Беш муҳим ташаббус хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларни фаоллаштиришнинг самарали йўли эканлиги жадал ривожланаётган Янги Ўзбекистон инновацион моделининг таркибий қисми эканлиги асосланган;

- фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг субсидиар, яъни муҳтож инсонларнинг фақат моддий эҳтиёжини қондиришга қаратилган сиёсатдан эҳтиёжманд аҳоли қатлами вакиллари ўз иқтидори, истеъдоди ва қизиқишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи тўлақонли ижтимоий қўллаб-қувватлаш сиёсатига ўтказилганлиги Янги Ўзбекистон ижтимоий инновацион моделининг муҳим жиҳати эканлиги исботланган;

- камбағалликдан чиқариш бўйича амалга оширилаётган давлат ижтимоий сиёсатида бирламчи буғинда аёлларни мазкур ҳолатдан чиқаришга интилиш моҳият эътиборига кўра бутун халқни фаровонликка эришиш ҳаракатининг ўзига хос драйвери эканлиги асосланган;

- хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг шахсни фаоллаштирувчи, инсоннинг ўзини ўзи ривожлантирувчи, салоҳиятни инсон капиталига айлантирувчи устувор йўналишлари аниқланиб, ушбу йўналишларни имманентлик тамойили асосида инновацион ривожлантириш орқали уларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш илмий концепцияси ишлаб чиқилган;

- мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларни ижтимоий фаоллаштиришнинг зарурий шарти эканлиги исботланган;

- хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олишнинг асосий омили эканлиги назарий-эмпирик асосланган;

- хотин-қизларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишларининг олдини олишда уларнинг ЯТТ (якка тартибдаги тадбиркорлик), индивидуал касб-хунар билан машғуллик, мини-кластерларда фаолият юритишларига шароит яратишнинг ҳудудий, этномаданий, стратификацион технологиялари ва горизонтал ёндашув механизмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда инновацион ёндашув асосида самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижаларига эришишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда назарий асос бўлиб хизмат қилди:

- 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармони;

- 2018 йил 2 июлдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3827-сон Қарори;

- 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-4235-сон Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 4185-сон Қарори;

- 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 561-сон; “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 562-сон Қонунлари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш” ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 285-сон Қарори.

Тадқиқот натажаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган конкрет социологик тадқиқотларнинг репрезентативлиги, турли аҳоли қатламлари вакиллари фикр-қарашларининг қамраб олинганлиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларда эълон қилиниб, илмий апробациядан ўтказилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ижтимоий ҳимояга оид назарий концепцияларнинг илмий муомалага киритилганлиги, шунингдек Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида “Оила ва гендер”, “Ёшлар социологияси”, “Болалар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояси ва таъминоти”, “Ижтимоий ҳимоя”, “Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва болалар”, “Ижтимоий иш назарияси” каби фанларнинг назарий асосларини кучайтиришда, олиб бориладиган назарий тадқиқотлар

натижаларининг ижтимоий иш, социология мутахассисликлари бўйича ўқув курсларида қўлланилиши, ижтимоий ҳимоя ходимлари ва мутахассисларининг малакасини оширишда жорий қилинишида намоён бўлди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижаларнинг хотин-қизларни ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, инновацион механизмларини ишлаб чиқиш, ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини янада ошириш, ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш лойиҳаларида қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертация хулосалари ва таҳлилларидан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, "Маънавият ва маърифат" марказлари, ижтимоий ҳимоя соҳаси ходимлари ва фаоллари ўзларининг амалий фаолиятида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион модели бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Ижтимоий ҳимоя”, “Хотин-қизларни ижтимоий фаоллаштириш”, “Ижтимоий ҳимоя тизимида имманент ёндашув”, “Ижтимоий ҳимоя субъектларининг ижтимоий-интеллектуал капитали”, “Хотин-қизларга жамиятда ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар драйвери сифатида ёндашув” тушунчаларининг ижтимоий ҳаракатга йўналтирувчи социологик таърифидан “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-561-сон Қонунининг назарий асоси сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги № 25-16/1052-сон маълумотномаси). Бу аёлларни жамиятдаги зўравонликлар ва тазйиқлардан муҳофазалашнинг ҳуқуқий асосларини мукамал даражада ишлаб чиқиш ва қабул қилиш имконини берган;

Беш муҳим ташаббус хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларни фаоллаштиришнинг самарали йўли жадал ривожланаётган янги Ўзбекистон инновацион моделининг таркибий қисми эканлигига доир таклифлари Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 19 мартда “Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида” ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни (23.03.2019 йилдаги 6300-хх-сон)нинг бешинчи йўналишида белгиланган хотин-қизлар бандлигини таъминлашда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафотларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон Қарори асосида 14 та ҳудуддаги “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари”ни ташкил этишда ва ушбу марказларда хотин-қизларнинг тадбиркорлик, хунармандчилик, касбга қайта тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 23 июндаги 01/20-сон маълумотномаси). Натижада Республикамизнинг 14 та ҳудудида “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари” ташкил этилиб, уларнинг фаолияти орқали аёллар бандлигини таъминлаш имкониятини оширишга эришилган;

камбағалликдан чиқариш бўйича амалга оширилаётган давлат ижтимоий сиёсатида бирламчи бўғинда аёлларни мазкур ҳолатдан чиқаришга интилиш моҳият эътиборига кўра бутун халқни фаровонликка эришиш ҳаракатининг ўзига хос драйверига айланганлиги ҳақида олинган илмий хулосаларидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси 2018 йилнинг 2-февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №5325-сон Фармони асосида Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги тизимини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 13/2275-19-сон маълумотномаси). Натижада Республикамизнинг 14 та ҳудудида жами 197 та “Хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш” марказлари ва Республика маркази ташкил этилиб, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш орқали аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишга эришилган;

мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларни ижтимоий фаоллаштиришнинг зарурий шарти эканлигига доир илмий хулосаларидан “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-562-сон Қонунининг назарий асоси сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг 2020 йил 22 июндаги 25-16/1052-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқчилигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш имконияти яратилган;

хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишнинг асосий омили эканлиги, уни такомиллаштиришнинг асосий усуллари ҳамда воситаларига доир хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи баённомасида белгиланган “Бухоро вилояти тажрибаси”ни республика миқёсида жорий этиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида 2019 йилнинг 23 июль куни имзоланган 10/35-сон қўшма Қарорида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 1/781-сон маълумотномаси). Бу Ички ишлар органлари тизимида хотин-қизлар масалалари бўйича 359 та инспектор лавозимининг жорий қилиниши (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2019 йил

14 майдаги буйруғи), 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 562-сон, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 561-сон Қонунларини амалиётга жорий қилиш, жамиятда гендер тенглигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, хотин-қизларга нисбатан зўравонликни, хусусан, оилавий-маиший зўравонликнинг олдини олиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш имкониятини кенгайтирган.

Тадқиқотнинг эмпирик асосини муаллиф иштирокида ўтказилган социологик тадқиқотлар ташкил этади.

Муаллиф иштирокида мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион моделини яратишга қаратилган тадқиқот 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Сирдарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитасига мурожаат қилган аёллар орасида, жами 1200 нафар респондентлар ўртасида анкета сўрови ўтказилган.

Эксперт-сўров эса, Тошкент вилояти хотин-қизлар масалалари бўйича шуғулланувчи мутахассислар, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ходимлари, Меҳнат ва бандлик вазирлиги ходимлари, Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, шифокорлардан олинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 22 та илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган, улардан 11 таси халқаро, 11 таси республика конференцияларидир.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та илмий мақола, шундан 14 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб ва 12 та параграфни ўз ичига олган асосий қисм, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 237 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, назарий ва методологик асослари, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, асосий вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгиликлари очиб берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари, уларнинг апробацияси ва мавзуга оид чоп этилган илмий нашрлар ҳақида маълумот келтирилган.

“Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологик масалалари” номли биринчи бобда

ижтимоий ҳимоя тушунчаси генезиси, моҳияти ва ушбу тушунчанинг турли хил талқинлари, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг имманент хусусиятлари ва инновацион моделининг моҳияти таҳлил қилинган. Бундан ташқари, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишга инновацион ёндашувнинг асосий устувор йўналишлари аниқланиб, илмий тадқиқ қилинган.

Муаллиф томонидан мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий муҳити яратилиб, унинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қабул қилинган қонунларда ўз аксини топганлиги таҳлил қилинган, чунки ижтимоий ҳимоя тизими ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар даврида жамиятнинг ҳал этилиши зарур бўлган ижтимоий муаммоларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда амал қилади.

Диссертацияда "Ижтимоий ҳимоя" тушунчасининг генезиси таҳлил қилиниб, тадқиқотчи Ўзбекистон халқи минг йилликлар давомида ижтимоий соҳа борасида катта тажриба тўплаганлигини ва бу тажриба нафақат миллий маконда, балки халқаро аҳамият ҳам эга эканлигини асослаб берган.

Тадқиқотда мамлакатимизда "ижтимоий ҳимоя" тушунчасининг эволюцияси қуйидагича тавсифланади:

Биринчидан, "ижтимоий ҳимоя" назарий жиҳатларининг шаклланиши кўп асрлик тарихга эга бўлиб, у аста-секин шаклланган ва моҳиятан ривожланиб борган;

Иккинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасига ажратилган мақсадли инвестициялар ижтимоий ҳимоянинг юқори даражада ўсишига олиб келган, натижада давлат ва хусусий секторлар фаолияти учун кенг имкониятлар очилди ҳамда жамиятда аҳоли турмуш даражасини ошириш имкони туғилди.

Учинчидан, давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясига эътиборнинг кучайтирилиши, аҳолининг турмуш даражасининг ошиши, мамлакатда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлашиши, оилавий кадриятларни мустаҳкамланишига олиб келди.

Тўртинчидан, ижтимоий ҳимоя тизимининг ривожланиб бориши натижасида мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигининг ошиши каби кўплаб соҳаларда ижобий натижалар рўй берди.

Диссертант ижтимоий ҳимоя объектларини қуйидаги тоифаларга ажратган:

- а) ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш;
- б) қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш;
- в) хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш;
- г) ногиронлиги бор фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш;
- д) табиий, тиббий-эпидемиологик, техноген ва фавқулодда ҳолатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

Тадқиқотда ҳар бир тоифа учун ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг имманент хусусиятлари очиқ берилган бўлиб, ўзининг характерли белгилари билан бир-биридан фарқ қилиши очиқ берилган.

Мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишдан кўзланган мақсад ягона бўлиб, иқтисодий, ижтимоий-маънавий кўллаб қувватлаш орқали уларнинг турмуш фаровонлиги, ҳаёт сифати


даражасини ошириш, ижтимоий оғир аҳволдан чиқариш, камбағалликни қисқартиришдан иборат бўлса-да, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш бошқа ижтимоий тоифа вакилларида тубдан фарқ қилади. Хусусан, у ўзига хос имманент, яъни нафақат ўзининг, балки бошқа ижтимоий табақа вакиллари ҳаёти, дунёқараши, мақсад ва интилишларига доимий таъсир этиб, ўзгартира олишдан иборат хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусият айниқса, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида янада яққолроқ намоён бўлиши туфайли ушбу тизим инновацион характер касб эта бошлаганлиги диссертант томонидан асосланган.

Мамлакатимизда хотин-қизлар учун мавжуд шароит ва имкониятларни, чуқур таҳлил қилиш уларни ижтимоий ҳимоя қилишга инновацион ёндашув асосида бутунлай янги тизимни яратишга бўлган зарурий эҳтиёжни юзага келтирди. Тизимда мавжуд бўлган камчиликлар ўрганилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Мавжуд тизим камчиликларини бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқишда мамлакатимизда бошланган халқ билан мулоқот сиёсати алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, халқ билан очик, юзма-юз мулоқотни ташкил этиш, ҳар бир фуқаронинг муаммосини аниқлаш ва ушбу муаммоларни манзилли бартараф этишда энг асосий омилдир.⁷ Диссертант тадқиқотда халқ билан мулоқот қилиш сиёсати хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг бутунлай янги, инновацион моделини яратиш имкониятини яратганлигини асослаб берган.

Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, уларга қаратилган ижтимоий ҳимоя устувор йўналишларининг энг муҳим соҳаларига эътибор берилиши давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, хусусан,

- хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш;
- гендер тенгликни таъминлаш;
- оғир ижтимоий аҳволдаги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларни ҳимоя қилиш;
- хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш;
- оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш;
- хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш;
- хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоя, ўзаро ҳамкорлик, консолидациялашув ва бошқа соҳалардаги ижтимоий имманентлик хусусиятларини кенгайтириш;
- аёлларнинг оила, меҳнат ва ижтимоий фаолиятдаги перманент такомиллашув жараёнларининг драйвери сифатидаги ролини ҳар томонлама рағбатлантириш билан ҳам изоҳланади.

⁷ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 44 б.



Диссертацияда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлили асосида ушбу тушунчага муаллиф томонидан илмий таъриф берилган:

Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш - мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг энг устувор йўналиши бўлиб, ўзига хос имманент хусусиятлари билан аҳолининг бошқа қатламлари ижтимоий ҳимоясидан фарқ қилувчи, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож хотин-қизларга моддий, тиббий, психологик қўмак бериш, уларни оғир ижтимоий аҳволдан чиқариш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлиги, гендер тенгликни таъминлаш орқали ҳар бир аёлнинг ўз ҳаётида барқарор бўлиши ва узлуксиз ривожланиб бориши йўлига ўтказиш, таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлаш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазани қилишнинг давлат, жамият, шахс томонидан амалга ошириш жараёнидир.

Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш янги босқичга кўтарилганлиги, ушбу масалага инновацион ёндашувнинг юзага келиш зарурати, жамиятнинг прогрессив тараққиёти янгиланиш ва ислохотларсиз, хусусан, иновацион ёндашувларсиз амалга ошмаслиги жамият тараққиётининг объектив қонуниятидир, деб биринчи бобга хулоса берилган.

“Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг зарурий шарти” номли иккинчи бобда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва гендер тенгликнинг ҳуқуқий асослари, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мамлакатда гендер тенгликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири эканлиги, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда гендер тенглик қоидаларига риоя қилишнинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти масалалари илмий тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканликлари мустаҳкамлаб қўйилди. 1995 йил 6 майда мамлакатимиз 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги⁸, 1997 йил 30 августда Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги⁹, бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги конвенциялар қўшилди. Бу эса хорижий тажрибанинг умумэтироф этилган ҳуқуқий нормаларига таяниб, халқимизнинг ментал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича муҳим қадамлар қўйишга асос бўлди.

2019 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 561-сон, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 562-сон Қонунларнинг қабул қилиниши, шунингдек, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида 15 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, мамлакатимизда ушбу масаланинг халқаро андозалар даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

1952 йилда қабул қилинган Халқаро аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда аёллар ҳар қандай сайловларда эркаклар билан тенг шароитларда, ҳеч қандай камситишларсиз овоз бериш, сайланиш ҳуқуқларига эга эканликлари белгилаб қўйилган. ЕХХТнинг Копенгаген ҳужжатида барча одамлар қонун олдида тенг ва ҳеч қандай камситилишсиз қонун томонидан бир хил ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Шу муносабат билан қонун ҳар қандай камситишни тақиқлайди ҳамда барча шахсларга қайсидир сифат бўйича камситишдан тенг ва самарали ҳимоя қилинишни кафолатлайди, – деб қайд этилган.¹⁰

⁸ Асьянов Ш.М., Бакаева Ф.Х. Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.- Тошкент: “Mega Basim”, 2008. 7 б.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қўшилиш ҳақида”ги 501-сонли Қарори, 1997 йил 30 август. <https://www.lex.uz/docs/86886>

¹⁰ <http://www.isrs.uz/uz/election/hotin-kizlarning-sajlov-ukuklari-kafolatlari>

Диссертацияда бундай ҳамкорлик юртимизда хотин-қизларнинг салоҳиятини янада ривожлантириш, етакчилик қобилиятини кучайтириш, сиёсатчи, раҳбар ва жамоат арбоблари сифатида ўзларини намоён қилиш ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахборот ва мафкуравий ислохотлар жараёнида уларнинг иштирокини кенгайтиришда ўз самарасини бериши асослаб берилган.

Мамлакатимизда қабул қилинган Сайлов кодексининг етмишинчи ва тўқсон биринчи моддаларига¹¹ асосан аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши керак.

Қонунларимизда хотин-қизлар учун парламентдаги сайловларда 30 фоизлик квота мавжуд бўлса-да, амалда ушбу қоида йўқ эди. 2019 йилда Олий Мажлис, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловларда юртимиз тарихида биринчи мартаба миллий парламентда аёллар сони бугунги кўрсаткичга кўтарилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 31 фоизини ҳам хотин-қизлар ташкил этади. Ана шундай натижалар туфайли Ўзбекистон парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-поғонага кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил илгари 128-ўринда эди. Бундай кескин ижобий ўзгаришлар “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори ҳаётда бевосита ўз инъикосини топганини англатади.

Диссертацияда муаллиф ижтимоий масалалар соҳасида хотин-қизлар томонидан қабул қилинган қарорларни социологик нуқтаи назардан баҳолайди:

биринчидан, ушбу ижтимоий масалалар – халқнинг дарди, халқнинг муаммоси сифатида, шу кеча-кундузда уларнинг ўз бошидан кечаётган муаммолар билан узвий боғлиқдир;

иккинчидан, аёллар ижтимоий масалаларни теранроқ туйишининг сабаби, у оила бекаси, фарзанд тарбиячиси, уларнинг соғлиғи учун қайғурадиган қалб шифокори, шу билан бирга ҳаётда фаол сиёсатчи сифатида қонунларнинг янада ҳаётий бўлиши учун курашадилар, уларда аниқ масалалар, муаммоларнинг ечимларини ифодалаш учун жон куйдирадилар.

Бинобарин, парламентда аёллар сони кескин ошганлиги, олти нафар хотин-қизларнинг эса шаҳар ва туман ҳокими вазифасига тайинланганлиги мамлакатимизда гендер тенглик таъминланиши соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги илмий асосланган.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси (ЎзР25.06.2019 й.ЎРК-544-сон Қонуни билан тасдиқланган), <https://nrm.uz/contentf.doc=592387>

Гендер тенглигига эришишда инновацион уйғунлик

Янги Ўзбекистонда хотин-қизлар учун яратилган имкониятлар ва қулай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш билан бирга жамиятдаги анъаналар, расм-русумлар, одатлар “ёзилмаган қоидалар” муҳитида ривожланиш мақсадига эришиш

• Жамиятда ўзлигини тўла англашга интилаётган, дунё билан ҳамнафас, мамлакатимиз тараққиётига эркаклар билан барабар ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга шай бўлган хотин-қизларнинг янги авлоди таркиб топади

Гендер тенглигига эришишда қонунлар ва амалдаги ҳуқуқий-мейёрий ҳужжатлар кучига таяниш

• Ҳуқуқий маданиятга эга янги ўзбек аёли шаклланади ва бу маданиятни бошқалар онги ва қалбига сингдирувчи фаол ижтимоий субъект сифатида жамиятда ўзлигини намоён этади

Хотин-қизларнинг интеллектуал ва ижодий юксалишида ижтимоий мўлжалларни тўғри англаши ва ўзини ўзи узлуксиз ривожлантириб бориш рағбатининг уйғунлигига эришиш

• Давлатимиз ва жамиятнинг позитив ижтимоий мақсадларини ўз ҳаётий маслағи деб билган, ижтимоий ва интеллектуал салоҳиятни ўзида мужассамлаштирган инсон капиталини узлуксиз ривожлантириш мақсадларига эга бўлган фаол аёллар қатламининг сафи жадал кенгаяди

Гендер тенглигига эришишда миллий маънавий салоҳиятга таяниш

• Юксак мутолаа маданиятини ўзида шакллантирган, тарихий ва маданий ўзликка эга бўлган, дунёқараши кенг ва ҳар томонлама ривожланган миллий имиджга эга аёл шахси таркиб топади

Гендер тенгликни таъминлашда ўзбек халқи миллий менталитети ўзига хослиги ва ундаги позитив ўзгаришларни пухта ҳисобга олиш ва дунёдаги илғор тажрибаларга таяниш

• Миллий менталитетимиздаги каттага ҳурмат, кичикка иззат, оила бошқарувида адолатли иерархия муҳитига амал қилиш асосида оила аъзоларининг ҳар бирини такомиллаштириш, ҳаётдан муносиб ўрин олиш мақсадларини амалга ошириш жароёнининг драйвери бўлган, гендер тенглигини теран англаган замонавий ўзбек аёли шаклланади

Оилавий ва ижтимоий ҳаётда меҳр, самимийлик, бир-бирини ўзаро эъзозлаш ва одамларни рози қилиш позициясига таяниш


• Аёлларнинг оиладаги ва ижтимоий фаолиятдаги муносабатлари компромисс ҳолатдан бир бирини кадрлашга таянувчи консенсус муҳитига трансформациялашади. Оилаларда ўзаро тотувлик ва соф муҳаббатга асосланган муҳит барқарорлашади

Тадқиқотчи мамлакатимизда гендер масалаларига инновацион муносабат вужудга келганлигини фуқароларимиз дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан изоҳлайди. Илгариги гендер тенглик тушунчаси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётида деярли ошқора тилга олинмаганлиги туфайли, бу тушунча ҳақида фуқароларимиз онгида нотўғри тушунчалар шаклланиб қолган эди. Гўёки, гендер тенглик атамаси хотин-қизларнинг эркаклардан устун бўлиши, уларни менсимаслик, эркакларга ўз гапини ўтказиш, деган маъноларни англатади, дея қабул қилинган. Ваҳоланки, диссертацияда тадқиқотчи гендер тенглик эркаклар ва аёлларга ҳамма нарсада тенг имкониятлар бериш, яъни билим олиш, касб танлаш, лавозимга кўтарилишда эркаклар билан аёлларга бир хил имкониятлар яратилиши — гендер тенглик тушунчасининг моҳиятини англатади ёки гендер тенгликни - аёллар ва эркакларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ривожланишда ўз ҳуқуқларидан фойдаланишлари учун тенг имкониятлар деб, таъриф берилган.

Мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлса, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш эса унинг энг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Жамиятда фаол бўлмаган, ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини билмаган аёл гендер тенглик таъминланишининг афзалликларини тушуниб етмайди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти объектив характерга эга. Муаллиф, хотин-қизларнинг ўзлари ҳам ижтимоий-сиёсий фаол бўлиб, оғир ижтимоий ҳолатдан чиқиб кетиши учун ҳаракат қилишлари - хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг олтин қоидаси сифатида эътироф этиб, бу фаолликнинг субъектив жиҳатини, уларнинг ижтимоий ҳаётга ёндашуви, ҳаётий тажрибаси, шунингдек, турли ижтимоий субъектларнинг ўзаро таъсири билан изоҳлайди. Бундан ташқари, бу фаолликнинг индивидуал характерга эга бўлишини ҳам унутмаслик лозим. Чунки ҳар бир аёлнинг фаоллиги ундаги индивидуал хусусиятларга, хусусан, ташаббускорлиги, ижтимоий-сиёсий онги даражаси, интеллектуал салоҳияти, ишчанлиги, маънавий-ахлоқий фазилатлари ва ҳ.к.ларга боғлиқ бўлади.

Тадқиқотчи томонидан кундалик турмушда хотин-қизларни жамиятда ижтимоийлашуви, уларга комплекс ёрдам беришни жорий қилиш, улар дуч келадиган муаммоларни социологик таҳлил қилиш, улар билан ишловчи давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларига хотин-қизлар билан ишлашда янада кўпроқ самара берувчи таклиф ва тавсиялар асосида янги инновацион моделни ишлаб чиқиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Андижон ва Хоразм шаҳарларида социологик тадқиқот олиб борилган. Тадқиқот давомида респондентлардан жамиятдаги ўз ҳолатларини 5 баллик шкалада баҳолаб беришлари сўралганида куйидаги жавоблар олинган: 5 балл – 382 нафар, 4 балл – 549 нафар, 3 балл – 208 нафар, 2 балл – 52 нафар, 1 балл – 8 нафар респондент ўзининг жамиятдаги ҳолатини баҳолаган. Бундан кўриниб турибдики, хотин-қизларнинг аксарияти жамиятдаги ўз ҳолатларини 4 балл деб баҳолар экан (1-расм).



1-расм. Респондентларнинг жамиятдаги ўз ҳолатларини 5 баллик шкалада баҳолаш даражаси

Социологик тадқиқот таҳлили, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг жамиятда тутган ўрни замон талаблари даражасида эмаслигини кўрсатиб турибди. Масалага янада аниқроқ ёндашадиган бўлсак, хотин-қизларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишда хотин-қизларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этиши, ўз-ўзини ва оиласини ижтимоий оғир аҳволдан чиқариш учун ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Юртимиздаги турли корхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар сони ҳам ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2017 йили 44,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 45,3 фоизга етган. Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигида 45 фоиздан ортиқни, саноатда 38 фоизни ташкил этмоқда. Юртимиздаги жами тадбиркорлик субъектлари таркибида тадбиркор аёлларнинг улуши 29 фоиздан иборатдир.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Муаллиф Республикаимизда аёлларни иш билан таъминлашда гендер тенглик қоидаларига риоя қилиниши, барча ижтимоий ва ҳуқуқий шароитларнинг яратилиши мамлакат иқтисодий тараққиётида хотин-қизлар иштирокини кенгайтириб, янада барқарорлаштиришини илмий асослаб берган.

Диссертацияда хотин-қизларни иш билан таъминлаш самарадорлигини оширишнинг қуйидаги зарурий ижтимоий механизмлари ишлаб чиқилган:

-мамлакатда бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасида олиб борилаётган ислохотлардан хабардорлик;

- ўз касбига доир замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиш;
- малака даражаси;
- касбга йўналтириш;
- касб турлари интеграциясини ривожлантириш;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- демографик омиллар;

- меҳнат миграцияси;
- касб турларидаги инновациялар тарғиботи;
- меҳнат бозорида талаб кучли бўлган касб турлари ҳақида маълумотга эга бўлиш.

Муаллиф оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган аёлларни иш билан банд қилиш хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг инновацион хусусиятларидан бири эканлигини таҳлил қилиб, фикрини далиллар билан асослайди. Жумладан, 2014-2016 йиллар давомида тижорат банклари томонидан хотин-қизларга тадбиркорлик фаолияти учун жами 3,8 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса, 2017-2018 йилларда 6,1 трлн. сўм кредит ажратилган.

Бундан ташқари, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб қувватлаш жамоат фондининг ташкил этилганлиги ҳамда фонд маблағлари ҳисобидан ҳар йили 100 млрд. сўм маблағ йиллик 8 фоизлик кредит сифатида ажратилаётганлиги хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандликка кенг жалб этишга кенг имкониятлар бермоқда. 2018 йилда Республика бўйича 47 минг нафарга яқин оғир турмуш шароитида яшаётган, шундан 14 минг 600 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, улар билан манзилли ишлар олиб борилди. Уларнинг 14 минг нафарига тиббий ёрдам кўрсатилди, 13 минг 500 нафарининг бандлиги таъминланди, 22 минг нафарига 21 млрд. сўм миқдоридаги моддий ёрдамлар берилди.¹²

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида¹³ 2019 йил - “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да ижтимоий соҳани янада ривожлантиришда хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш кераклигини таъкидлаб ўтиб, бу борада жорий йилда кўрилган амалий чораларга қарамай, ҳалигача оғир турмуш шароитида яшаб, иш билан таъминланмаган 13 мингдан зиёд хотин-қизлар мавжудлиги ачинарли ҳолат эканлигини таъкидлаган эди.

2019 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида дастурга мувофиқ 13044 нафар (100%) оғир турмуш шароитида яшовчи хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш камбағалликни қисқартиришнинг зарурий воситаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафотларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон Қарорида белгиланган вазифа ва тадбирларни амалга ошириш мақсадида 14 та ҳудудда Хотин-қизлар қўмиталари қошида “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари” ташкил этилди.


¹² <http://www.xabar.uz-22-12-2018>.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz-28-12-2018>.

Бутун юртимизни қамраб олган Беш муҳим ташаббус доирасида 21 минг 500 нафар хотин-қиз 110 та коллежда қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитилди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ресурс маблағлари ҳисобидан 5 минг 600 нафар аёлларга 143 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Тадқиқотда хотин-қизлар ижтимоий ҳимоясида меҳнат миграциясида иштироки масалаларининг тутган ўрни таҳлил қилиниб, асосий муаммолари аниқланган. Ушбу ҳолатни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида респондентларни оиладаги ижтимоий аҳволи нуқтаи назаридан ёндашилган ҳолда “Сизнингча, кўп ҳолатларда аёллар чет элларга ишлашга нима учун чиқиб кетадилар?” деган савол билан мурожаат этилганида, улардан умумий қўйидаги жавоблар олинган: оилада даромаднинг пастлиги туфайли – 746 нафар; ишхонадаги келишмовчиликлар ва ишсизлик туфайли – 142 нафар; енгил пул топиш мақсадида – 229 нафар; яқин инсонлар билан низолар туфайли эса – 67 нафар эканлиги маълум бўлган (2-расм).



2-расм. Аёлларнинг чет элларга ишлашга чиқиб кетиш сабаблари ҳақида социологик тадқиқотда иштирок этган барча респондентлар фикри

Тадқиқотда аёлларнинг чет элларга чиқиб кетишлари сабаби ўтказилган социологик тадқиқот нуқтаи назаридан умумлаштирилганида, респондентларнинг аксарияти оилада даромаднинг пастлиги туфайли аёлларнинг чет элларга ишлашга чиқиб кетишларининг сабаби қилиб кўрсатилганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг “**Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга инновацион ёндашув**” номли учинчи бобида зўравонлик тушунчасининг мазмун-моҳияти, турлари, уни олдини олишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, оилавий зўравонликнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланиб, уни бартараф этишнинг инновацион механизмлари ишлаб чиқилган. Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олишнинг зарурий талаби эканлиги асослаб берилган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 2 июлдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек,

оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3827-сон Қарори, 2019 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 561-сон Қонунининг қабул қилиниши юқорида айтиб ўтилган масалаларда давлат миқёсида кўрсатилаётган эътиборнинг далили сифатида келтирилган. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилиши, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион модели яратилишида муҳим асос бўлиб хизмат қилганлиги илмий асосланган.

Бугунги кунда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик қилишнинг олдини олиш – энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Зўравонлик уларнинг руҳий, ижтимоий, психологик, жисмоний саломатлигига зарар етказибгина қолмайди, балки у жиддий ижтимоий оқибатларга ҳам олиб келади. Маиший зўравонлик (оиладаги зўравонлик)ни таҳлил қилиниб, унинг бутун дунёда кенг тарқалганлигини, ҳар қандай миллат, ижтимоий синф ва илмий салоҳият (билим)га эга бўлган жамият вакиллари учун хос бўлган ушбу ҳодиса бизнинг республикамизда ҳам учраши аниқланган. Тадқиқотда жамоатчилик орасида муайян даражада тарқалган зўравонлик, фақат ижтимоий нотинч оилаларда юз беради дейилган фикрнинг асоссиз эканлиги очиб берилган.

Диссертацияда оилавий муносабатларда учровчи зўравонликнинг бешта асосий кўринишлари алоҳида қайд этилиб, турмуш тарзида уларнинг барчаси, ёки бир нечаси ёхуд улардан бири мавжуд бўлиши таҳлил қилинган. Булар:

- 1.Маиший зўравонлик;
- 2.Жисмоний зўравонлик;
- 3.Жинсий зўравонлик;
- 4.Руҳий зўравонлик;

5.Иқтисодий зўравонлик бўлиб, ҳар бирининг характерли хусусиятлари очиб берилган.

Ушбу кўринишлар шунингдек, маълум бир вақт давомийлигида ўрин алмашиниши ёки биридан иккинчисига ўтиб бориши мумкин.

Ҳаётида қийин аҳволга учраган аёлларга уларнинг оила аъзоларига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, эркак ва аёллар ўртасида ҳамкорликка асосланган муносабатларни шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3827-сон Қарори асосида зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

“Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Марказ”ларига

2019 йилда 22 383 нафар шахс мурожаат қилган. Уларнинг 7 минг 423 нафарига психологик, 3 минг 311 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган.

Ушбу марказларда зўравонликка учраган, оғир вазиятга тушиб қолган, инқироз ҳолатидаги хотин-қизларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш мақсадида **“1146 ишонч рақами”** ишга туширилган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 1146 қисқа рақамли **“Ишонч телефони”**га 2019 йилда **5 минг 391 та мурожаатлар келиб тушган.**

Жамиятдаги ҳар бир оиладаги муносабатларда ўзаро муҳаббат ва ҳурмат, ҳамжихатликка бевосита боғлиқ эканлигини муаллиф, жадид мутафаккири Фитратнинг “Оила” асаридаги: “Миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир... Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади”¹⁴ –деган фикри билан асослайди.

Муаллиф диссертацияда оилавий зўравонликни олдини олишнинг энг асосий омилларидан бири бу ҳуқуқий маданиятни ошириш эканлигини илмий асослаган.

Ҳуқуқий тарбияни фақат ҳуқуқий таълим билан чеклаб қўймаслик лозим. Зарур бўлганда ҳуқуқий амалиётни ҳам ўзгартира олиш, уни чуқур таҳлил қилиш, қонун бузилишларини аниқлаш ва уни бартараф этиш учун мумкин бўлган чора-тадбирларни ҳам қўллаш яхши самара беради.

Муаллиф жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишларини тизимли ва узвий ташкил этиш мақсадида 2019 йил 9-январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5618-сонли Фармони, фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашнинг кенг камровли мунтазам тизимини яратиш мақсадида «Юксак ҳуқуқий маданият — мамлакат тараққиёти кафолати» деган ғоя остида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”¹⁵ ҳамда уни 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг қабул қилиниши оилада ҳуқуқий тарбияни шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муҳим омил бўлганлигини асослаб берган.

Диссертациянинг **“Янги Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш инновацион моделининг асосий омиллари ва воситалари”** номли 4-бобида Оила институти ва оилавий кадриятларни мустаҳкамлашнинг хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими муаммоларини бартараф этиш ва истиқболдаги самарадорлигини оширишдаги ўрни асослаб берилган.


Диссертацияда оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича вазифаларнинг амалга оширилишини молиявий қўллаб-қувватлашга, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилишига кўмаклашишга қаратилиши таҳлил қилинган.

¹⁴ Абдурауф Фитрат. Оила.-Тошкент: Маънавият, 1998, 8-б.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 2019 йил 9-январдаги ПФ-5618-сон Фармони.//Халқ сўзи., 2019 йил 10 январь №5(7235).

Мамлакатимизда биринчи марта “Ижтимоий ходим” мақоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.02.2019 йилдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 4185-сон Қарори мамлакатимизда ҳам оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган шахслар, оилаларга юзага келган ижтимоий муаммоларини енгиб ўтишга ҳамда жамиятда бошқа шахслар билан тенг имкониятлардан фойдаланишига шарт – шароит яратишга қаратилган иш ва хизматларни кўрсатадиган, ижтимоий хизматларни кўрсатувчи зарур касбий малакага эга бўлган ижтимоий ходимнинг бўлиши, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.


Мавзуга оид олиб борилган социологик тадқиқот доирасида респондентлардан ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга муносабати сўралганида ва қуйидаги жавоблар олинган:” раҳмим келади” – 286 нафар, “хотин-қизлар билан ишловчи муассасалар томонидан етарлича эътибор берилмаганлигининг оқибати деб ўйлайман” – 278 нафар, “уларга иқтисодий ёрдам бериш керак деб ўйлайман” – 505 нафар, “ҳеч қандай, бу йўналишга бефарқман” - 95 нафар ва бошқа фикрдагилар – 29 нафарни ташкил этган (3-расм).



3-расм. Респондентларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга муносабати

Диссертацияда тадқиқотчи томонидан хотин-қизларни оғир аҳволдан чиқариш мақсадида уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг инновацион модели асосида республика бўйича оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизлар ҳолати ҳудудлар кесимида ўрганилиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш бўйича манзилли ишлар таҳлил қилинган. 2020 йил Давлат дастурининг 204-бандида ҳам ҳудудлардаги 1 минг 576 нафар оғир турмуш шароитидаги, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш вазифаси белгиланган. Респондентларга “Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиш сабаблари ҳақида нима деб ўйлайсиз?” деган савол билан муурожаат этилганида, уларнинг 282 нафари – аёл омили, 690 нафари – эркак

омили, 149 нафари – оиланинг бошқа аъзолари, 51 нафари – давлат, 24 нафари эса – маҳалла деб жавоб берилган.(4-расм)



4-расм. Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиши сабаблари

Ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган инсонларни жамиятга мослаштириш масаласи ҳеч қачон бугунгидек давлат эътиборида бўлмаган. Сўнги тўрт йилда уларга бўлган эътиборнинг юқори босқичга кўтарилгани, уларни оғир вазиятдан чиқаришда самарали натижалар бера бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ҳаётини муҳим масаладир. «Такрор айтаман, тинчлик ва соғлиқни таъминласак, қолган ҳамма нарсага эришамиз. Ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож катламларни қўллаб-қувватлаш, албатта, устувор вазифамиз бўлиб қолади»¹⁶.

Илгари бундай кишиларга фақат пенсия таъминоти ёки тиббий ёрдам жиҳатидан ёндашилди, лекин уларга жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қаралмас эди. Бугунги кунда улар биринчи навбатда уй-жойли бўлмоқда, уй-жой беришда энг аввало ногиронлиги бўлган кишиларга эътибор қаратилмоқда, имтиёзлар биринчи навбатда ана шундай имконияти чекланган фуқароларга берилмоқда. Айниқса, ногирон, ишлаш истагида бўлган аёлларимизни иш билан таъминлашга берилаётган эътибор уларни оғир ижтимоий аҳволдан олиб чиқишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда. Кейинги икки йилдан буён эса шундай тизимнинг йўлга қўйилганлиги хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга бўлган инновацион ёндошувнинг намунаси дея эътироф этиш мумкин.

Республикада илмли хотин-қизлар сафини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг олиб бораётган тадқиқотлари натижаларини халқаро даражага олиб чиқиш бўйича Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳам мақсадли ишларни амалга оширган. Хотин-қизлар қўмитаси Бошқаруви аъзоларининг қўмита фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида тегишли йўналишлардан келиб чиққан ҳолда 6 та уюшма фаол иш олиб борган (*“Фахрий аёллар”*, *“Ижодкор аёллар”*, *“Аёл ва*

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

саломатлик”, “Ҳуқуқшунос аёллар”, “Илм-фан ва аёл”, “Ихтирочи аёллар” уюшмалари, “Қизларжон клуби”).

XX аср бошидаги маърифатпарварларнинг улкан намояндаларидан бири Абдурауф Фитрат “Оила” асарида оила мавқеини шундай таърифлайди: “Оила тарбиячиси тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиатига мустаҳкам ўрнашади. Шахс руҳияти, ахлоқ гавҳари ва одатлари болалигиданоқ шаклланади. Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати бор, бу эса шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади”¹⁷.

Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, оила ижтимоий ҳаётининг айрим салбий кўринишларига барҳам бериш, оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маиший турмуш манбаида туғиладиган бошқа низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, бу борада жамоат ташкилотларининг ролини ошириш, ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш, уларга уй-жой бериш ва бошқа иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларида кўмаклашиш, хотин-қизлар ўртасида ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш каби масалалар оила институтини мустаҳкамлашнинг устувор вазибаларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам аллома Ризоуддин ибн Фахриддин: “Хотинлари тарбияли бўлган халқ тарбияли, хотинлари тарбиясиз бўлган халқ тарбиясиз, аёллари тиришқоқ, тадбиркор, иродали бўлган халқ бой бўлади. Инсонлар ҳар вақт аёллар истагани каби бўлажаклар, агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, аёлларга буюклик ва фазилатлар ўргатингиз”¹⁸-деб таъкидлаганлар. Ҳар бир аёл жамиятимиздаги барча ижтимоий тоифаларнинг эъозланган вакили сифатида берилган имкониятларни чуқур англаб, ўз тафаккур ва дунёқараши орқали жамият маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришга хизмат қилмоғи, шарафли аёл номини оқламоғига интилиш руҳини сингдиришимиз лозимдир.

ХУЛОСА

Ушбу масаланинг юқорида келтирилган таҳлилидан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки,

Биринчидан, "Ижтимоий ҳимоя" тушунчаси XX аср бошларида илмий муомалага кириб келган бўлсада, Ўзбекистон халқи минг йилликлар давомида ижтимоий соҳа борасида катта тажриба тўплаган. Ўзбекистонда шаклланган ижтимоий ҳимоя тизимини тадқиқ этиш, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ўзига хос имманент хусусиятларга эга бўлиб, у аҳолини бошқа қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишдан тубдан фарқ қилишини кўрсатади. Зеро, мамлакатимиз тараққиётининг барқарорлиги маълум маънода хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишга доир инновацион ёндошувларга боғлиқ.

¹⁷ Фитрат А. Оила. –Тошкент: Маънавият, 1998. – 34 б.

¹⁸ Ризоуддин ибн Фахриддин. Оила. -Тошкент: Мехнат, 1991. -9 б.

Иккинчидан, жамиятда аёл ва эркак ўртасидаги муносабат, аввало миллий маданиятнинг хусусиятлари билан белгиланади ва жамият ўзгаришларига, ҳаёт шароитларига мос равишда такомиллашиб боради. Хотин-қизларнинг ўз истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун берилаётган имкониятлар гендер муносабатларнинг такомиллашуви билан бир қаторда, аёлни эъзозлаш, унга бўлган ҳурмат ва эътибор ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Эркаklar ва аёлларнинг сиёсат, иқтисодий ва жамиятда тенг иштирок этишлари учун фаол сиёсат олиб бориш ҳам хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишда сезиларли ижобий натижаларга олиб келади.

Учинчидан, билим олиш, касб танлаш, лавозимга кўтарилишда эркаklar билан аёлларга бир хил имкониятлар яратилиши орқали гендер тенгликнинг ҳаётимиздан тобора кенгроқ ўрин олинишига эришилиши хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишдаги инновацион моделнинг таркибий жиҳати ҳисобланиб, уларнинг ўз ҳақ-хуқуқларини билиши, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиши хотин-қизлар ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишнинг кафолатидир.

Тўртинчидан, мамлакат тараққиёти, ундаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш, оилаларнинг даромад манбаларини кўпайтириш ва камбағалликни қисқартириш, оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш, оилаларнинг иқтисодий барқарорлик даражасини ошириш чораларини кўриш билан боғлиқдир. Бу масалада хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш механизмини кучайтириш асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Бешинчидан, мамлакатимизда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. 2019 йил 2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунининг қабул қилиниши хотин-қизларнинг эркинлиги ва ҳуқуқий манфаатларини кафолатлашда жуда катта ижобий аҳамиятга эга. Лекин қонуннинг қабул қилиниши билан бу соҳадаги барча муаммолари ўз-ўзидан бартараф этилиб қолмайди.

Олтинчидан, мамлакатимизда оила ҳуқуқлари масаласига берилаётган юксак эътиборга қарамасдан, оилаларда учраётган салбий ҳолатлар алоҳида тадқиқ этиладиган долзарб муаммолардан биридир. Оилавий зўравонлик ана шундай муаммолар қаторига киради. Оилавий зўравонлик - ўз кўламига кўра глобал муаммо. У турмуш даражаси ва демократлаштириш форматидан қатъи назар, дунёнинг барча мамлакатларида кузатилади. Таҳлиллардан келиб чиқиб, халқимизнинг миллий менталитет хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, ушбу муаммони бартараф этишда яхши натижаларга эришган хорижий давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланиш лозим.

Еттинчидан, оилада ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда оила аъзоларини ёшлигидан бошлаб, нафақат ҳуқуқ билан таништириш, унга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш, балки мавжуд қонунлардан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фойдаланиш, шу билан бир қаторда инсонни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, улар онгига оила тўғрисидаги қонун-

қоидаларга доимо ҳурмат билан қарашлари лозимлигини тушунтириш яхши самара беради.

Саккизинчидан, ҳозирги вақтда аёлларга нисбатан зўравонлик фақат эркаклар томонидан содир этилмаяпти. Бундай салбий ҳолатлар опа-сингил, қайнона-келин, раҳбар ва ходим, иш берувчи ва ишлаш истагида бўлган хотин-қизлар муносабатларида ҳам учраяпти. Эндигина турмушга чиққан ёки ёш болали опа-сингилларимизнинг аксарияти гарчи олий маълумотли бўлса ҳам ишга жойлаша олмаётганлигининг сабаби, иш берувчи бундай оилавий шароитдаги кадрни ишга олишни истамаслигида эканлиги, ёки ишловчи аёл ходимларнинг ҳам меҳнат ҳуқуқлари поймол этилиши ҳолатлари кузатилаяпти. Шунинг учун, уларга меҳнат ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларини билиш, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг асосий воситаси эканлигини тушунтириш учун ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш зарур.

Тўққизинчидан, аёл маънавияти оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигининг таъминланишида асосий роль ўйнайди. Маълумки, халқимиз турмуш тарзида одоб-ахлоқ меъёрлари асосидаги расм-русумлар, анъаналар ва одатларни қамраб олган кадриятлар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, фақат қиз болаларни эмас, балки ўғил болаларни ҳам ёшлигидан бошлаб, оилада, мактабгача таълим муассасасида, мактабда, ОТМларида оила кадриятларига ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадга мувофиқ.

Ўнинчидан, давлат томонидан оилаларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларда оилавий кадриятларга эҳтиром ва садоқат ҳиссини кучайтириш ишлари салмоғини янада ошириш уларни оғир ижтимоий оғир аҳволдан чиқаришининг муҳим воситаси ҳисобланади. Ушбу соҳада олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил қилиш чораларини кўриш, оилавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, фарзанд тарбиясида ота ва онанинг бурчи, масъулияти, оилавий психология, оила ҳуқуқи ва бошқа оилавий муаммолар ҳақида нафақат илмий балки, оммабоп махсус рисоалар, қўлланма ва буклетлар тайёрлаш, нашр этиш ва тарқатиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш ҳуқуқий асосларининг яратиб берилиши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, оғир ижтимоий аҳволдан чиқаришда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Шу боис, бу соҳада миллий қонунчиликни узлуксиз такомиллаштириб бориш ва уйғун равишда хотин-қизларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини шакллантириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишда муҳим зарурий омил бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари асосидаги илмий-амалий тавсиялар

Тадқиқотимизда таҳлил қилинган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш инновацион моделини яратиш юзасидан олиб борилаётган ишларни назарий ва амалий жиҳатдан янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, гендер тенглик масаласида хотин-қизларнинг

аҳволи бўйича ижтимоий сўровлар ўтказиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини янада фаоллаштириш, ҳамда оила, жамият ва давлат қурилиши масалаларини ҳал этишда уларнинг ролини ошириш **Илмий концепциясини** ишлаб чиқиш;

- хотин-қизлар ижтимоий ҳимоясига уларнинг муаммоларини яхлит, тизимли бартараф этиш инновацион механизмини жорий қилиш. Чунки ижтимоий эҳтиёжманд аёлнинг муаммосини қисман, ёки бир муаммосини ҳал қилиб, иккинчисини эътибордан четда қолдирилса, уни ҳеч қачон оғир ижтимоий аҳволдан чиқариб бўлмайди. Шунинг учун тизимдаги инновацион яхлитлилик хотин-қизлар аҳволини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади;

- мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг муаммоларига қараб тоифаларга ажратилган рўйхатининг ягона базасини яратиш, соҳа фаолиятига масъул мутасадди ташкилотни бириктириш ҳамда унинг мониторинги устидан назорат қилиш механизмини жорий қилишга оид мукамал тизимни яратиш. Мавжуд тизимдаги камчилик шундан иборатки, ўз муаммолари билан мурожаат қилган хотин-қизлар турли ташкилотлар ўртасида овора бўлиб, охир оқибатда кўп ҳолларда муаммосининг ҳал этилмаганлигидан азият чекади. Энг асосийси, унинг оворагарчилиги ва муаммоси баратараф этилмаганлиги учун ҳеч қайси ташкилот жавобгар бўлмайди. Ваҳоланки, бизнинг мамлакатимизда жуда кўп ташкилотларда махсус фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш бўлимлари жорий қилинган. Бундан ташқари республика бўйича ҳар бир вилоят ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида фақат фуқаролар мурожаатлари билан шуғулланиш учун ташкил қилинган “Халқ қабулхоналари” бор. Агар тизимда ягона база ташкил этилиб, уни назорат қиладиган ва муаммоларни бартараф этишга масъул бўлган ташкилот аниқ қилиб белгилаб қўйилса, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини реал ҳал этилишини мониторинг қилиб бориш ва сонини қисқартириш, шунингдек, хотин-қизлар масалалари билан бевосита шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини ўрганиш ва такомиллаштиришда, ёрдамга муҳтож хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилишдаги сансоларликни бартараф этишда самарали натижаларга эришиш имкониятини беради;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлардаги мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда ёш, касб, қизиқишлар категориялари бўйича доимий равишда конкрет социологик тадқиқотлар ўтказиб бориш тизимини такомиллаштириш ва самарасини оширишга оид ишларни амалиётга жорий қилиш яхши самара беради;

- бугун аёллар бизнес, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, менежмент, замонавий консалтинг хизматини кўрсатиш, маиший хизмат турларини кенгайтириш борасида эркаклар билан баробар меҳнат қилишларига қарамасдан, ишсизлар сони аёллар орасида юқориликча қолмоқда. Бу ҳолат улар ўртасида миграция ҳолатларини кучайтиришга, шунингдек, одам савдоси қурбонига айланишларига сабаб бўлмоқда. Шу боис, ишлаш учун хорижий давлатларга норасмий чиқиб кетган хотин-қизларнинг аниқ рўйхатларини

шакллантириш ва уларни давлат томонидан ҳимояга олиш зарур. Шунингдек, **“ўзини-ўзи ижтимоий оғир аҳволдан чиқариш”, “ўзини-ўзи банд қилиш”** ҳолатларини хотин-қизларни иш билан таъминлаш амалиётида кенг жорий қилиш ва рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда, бандликнинг ноанъанавий шакллари – касаначилик, уй меҳнати, томорқачилик, оилавий бизнес, хизмат кўрсатиш каби фаолият турлари билан шуғулланиши учун тегишли шароитлар яратиш зарур. Аёллар ўртасида тадбиркорлик ва бизнес соҳасини ривожлантириш мақсадида улар фаолиятини ривожлантириш учун ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилишни йўлга қўйиш, ташқи инвестиция фаолиятига доир қонунчилик базасини мустаҳкамлаш хотин-қизларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг фаол иштирокчисига айлантиради, шунингдек, уларда боқимандалик салбий иллатлари шаклланишининг олдини олади;

- хотин-қизлар ўртасида ишсизликни камайтиришнинг самарали механизмларидан яна бири, олий таълим муассасалари, айниқса касб-ҳунар коллежларида касбга йўналтириш бўйича талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, яъни мамлакатдаги хотин-қизлар касбига бўлган талаб ва эҳтиёжни чуқур таҳлил қилган ҳолда мутахассисларни тайёрлашдир. Бизда аксари ҳолларда бундай мутаносибликнинг бузилиши, ишсизлар сонини кўпайтириш, давлат маблағини айрим мутахассисларнинг мамлакат эҳтиёжидан ортиқча тайёрланишига сарфланишига, керакли мутахассисларнинг эса тақчиллигини келтириб чиқаради. Бу ҳолатни бартараф этиш ҳам, хотин-қизларни бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг **11.02.2019 йилдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 4185-сон Қарорига** асосан мамлакатимизда биринчи марта **“Ижтимоий ходимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари тўғрисида”ги Йўриқнома оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни оғир аҳволдан чиқариш учун зарур касбий малакага эга кадрларни тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш, ушбу соҳадаги кадрлар тақчиллиги муаммосини бартараф этади.**

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида қайд этилган таклиф ва тавсияларни амалга ошириш хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини инновацион контекстда янада такомиллаштириш имкониятини яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.12.2018.S.23.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО
УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ
ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

НАРБАЕВА ТАНЗИЛА КАМАЛОВНА

**ИННОВАЦИОННАЯ МОДЕЛЬ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ
СИСТЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ**

22.00.02– Социальная структура, социальные институты и образ жизни

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора социологических наук (DSc)

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора социологических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.3.DSc/Sots 11

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (fs-ik.uz) и информационно-образовательном портале “Ziyonet” (www.ziyonet.uz).

Официальные оппоненты:

Саидов Акмал Халматович

доктор юридических наук, профессор

Абдурахмонов Каландар Ходжаевич

доктор экономических наук, профессор

Матибаев Госполат Балтабаевич

доктор социологических наук

Ведущая организация:

Ферганский Государственный университет

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 года в «_____» часов на заседании Научного совета DSc.30/20.2019.S.23.02. при Академии Государственного управления при Президенте Республики Узбекистана. (Адрес: город Ташкент, улица Ислама Каримов, дом №45. Тел.: 0(371) 232-60-47, факс: 0(371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz Административное здание Академии Государственного управления при Президенте Республики Узбекистана., 11-этаж, 408-комната).Тел.: (+99871) 246-52-74; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04; e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно ресурсном Центре Академии Государственного управления при Президенте Республики Узбекистана. (зарегистрирована под номером ____). (Адрес: город Ташкент, улица Ислама Каримов, дом № 45. Тел.: 0(371) 232-60-47, факс: 0(371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz)

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 года.

(протокол реестра под номером _____ от «_____» _____ 2020 года).

М.Б.Бекмуродов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор социологических наук, профессор

А.Б.Юнусов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат социологических наук

Ш.М. Содикова

Председатель научного семинара при научном совета по присуждению ученых степеней, доктор социологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире социальная защита женщин превратилась в глобальную проблему, в связи с этим усиливается социо-дискурсивное и эмпирическое исследование этой проблемы. Это с одной стороны объясняется усилением потребности общества в повышении общественно-политической роли женщин, а с другой стороны – поступательным ростом статуса женщин в процессе устойчивого развития.

Опыт зарубежных стран по социальной защите женщин, в частности принятая в Нью-Йорке Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин от 18 декабря 1979 года, Конвенция о политических правах женщин от 30 августа 1997 года, Конвенции о равном вознаграждении мужчин и женщин за труд равной ценности¹⁹ с одной стороны стали важными шагами в сфере социальной защиты женщин, а с другой стороны – в их целевой активизации для осознания своих прав. Несмотря на это, в данном направлении все еще не хватает документов ООН по социальной защите женщин, не сформирован концептуальный подход в национальном и глобальном масштабах, не созданы единая система и стандарты социальной защиты женщин, не разработаны новые социологические технологии по повышению эффективности системы, ощущается дефицит специалистов в данной области, не разработан механизм контроля над реализацией нормативно-правовых актов по социальной защите женщин, что порождает потребность в специальных научных исследованиях по данной теме.

В новом Узбекистане осуществляются масштабные реформы по защите прав женщин, обеспечению их интересов, выявлению их таланта, способностей и возможностей, одним словом превращению их в равноправных, активных и созидательных членов общества. основополагающие документы, направленные на повышение роли женщин в обновляемом Узбекистане, их социальную защиту, повышение статуса в обществе и проводимые на их основе реформы можно интерпретировать в качестве инновационной модели эффективной социальной защиты и повышения активности женщин.

Благодаря приоритетным задачам, обозначенным в пункте 4.2. “Совершенствование системы социальной защиты и здравоохранения населения, повышение общественно-политической активности женщин” Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, в частности, работе по социальной защите женщин, обеспечению гендерного равенства, повышению их участия в государственном управлении, оказанию материальной, психологической, медицинской помощи женщинам, оказавшимся в трудной жизненной ситуации, обеспечению их жильем и

¹⁹Республика Узбекистан присоединилась к настоящей Конвенции в соответствии с постановлениями Олий Мажлиса Республики Узбекистан №87-I «О присоединении Республики Узбекистан к Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин» от 6 мая 1995 года, принятой в Нью-Йорке 18 декабря 1979 года, «О присоединении к конвенциям о политических правах женщин и о равном вознаграждении мужчин и женщин за труд равной ценности» от 30 августа 1997 года. / <https://www.lex.uz/ru/docs/2685528>.

работой, укреплению семейных ценностей, обеспечению стабильной духовной атмосферы в семье²⁰ вопрос социальной защиты женщин поднялся на новый уровень. Как отмечал основоположник масштабной инновационной деятельности, созидательного движения на пути формирования Нового Узбекистана Президент Ш.М. Мирзиёев: “Мы должны продолжить системную работу по поддержке молодежи и женщин.”²¹

Данная диссертация в определенной степени будет способствовать реализации задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП№-5667 “О мерах по государственной поддержке проведения социологических исследований” от 22 февраля 2019 года, УП№-5938 “О мерах по оздоровлению социально-духовной атмосферы в обществе, дальнейшей поддержке института махалли, а также поднятию на новый уровень системы работы с семьями и женщинами” от 18 февраля 2020 года, УП№-5325 “О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи” от 2 февраля 2018 года, Посланиях Президента Олий Мажлису от 2017 йил 22 декабрь 2017 года, 28 декабрь 2018 года и 25 январь 2020 года, Постановлениях Президента ПП№-4235 “О мерах по дальнейшему усилению гарантий трудовых прав и поддержке предпринимательской деятельности женщин» от 7 марта 2019 года, ПП№ – 4185 “О дополнительных мерах по усилению социальной защиты детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей” от 11 февраля 2019 года, Законах Республики Узбекистан №561 “О защите женщин от притеснения и насилия” от 2 сентября 2019 года, №562 “О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин” от 2 сентября 2019 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №КМ-285 “Об утверждении Положения о предоставлении доступных жилых домов женщинам, находящимся в тяжелом социальном положении, матерям с инвалидностью, малообеспеченным, воспитывающим детей в неполной семье и нуждающимся в улучшении жизненных условий” от 12 апреля 2018 года, а также в других нормативно-правовых актах в данном направлении.

Соответствие исследования приоритетными направлениями развития науки и технологии республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетными направлениями программы научных исследований развития науки и технологий в республике II. «Разработка научных основ дальнейшего углубления демократических реформ, формирования гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики”.

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации. В ведущих научно-исследовательских центрах и высших учебных заведениях мира

²⁰Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.-Ташкент, Адолат, 2018. стр.22-23.

²¹Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 24 января 2020 года / <https://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>

ведутся научные исследования, касающиеся инновационных особенностей совершенствования системы социальной защиты женщин, ее теоретических методологических основ, основных понятий, принципов и механизмов осуществления, обобщению мирового опыта в данном вопросе. В частности, можно отметить Western Michigan University (США), Golden Gate University (США), University of Maryland (США), University of Nottingham (Великобритания), University of Mataram (Индонезия) Women in German Society (Германия), Office of Global Womens Issues (США), French-Australian Business Womens Association (Франция), Asia Research institute, Международную организацию труда (МОТ), Всемирную организацию здравоохранения (ВОЗ), Институт социологии АН России и других.

Весомые научные результаты дают исследования, проводимые в университете Голден Гейт штата Калифорния (США) в рамках международного гуманитарного права по социальным, политическим и культурным факторам, оказывающим воздействие на социальную защиту женщин и их деятельность, воздействию феминистских взглядов на руководящую практику женщин в системе высшего образования университета Западный Мичиган (США), политике борьбы, опираясь на статьи закона с насилием в отношении женщин в университете Мэриленд (США), исследование в университете Ноттингем (Англия) на примере пересечения понятий “миграция” и “бытовое насилие” в социальном положении женщин на основе наблюдений, исследований, проводимых в индонезийском университете Матарам по основам борьбы с насилием в отношении женщин.

